

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 4 (6)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети

Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович

тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Али Назарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Абдуллаева Нигора Санжаровна “МУЗЕЙ ВОСТОКА” МУЗЕЙИДА ЎРТА ОСИЁ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	5
2. Абдуллаева Нигора Санжаровна РОССИЯНИНГ “МУСИҚА МУЗЕЙИ”ДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ НАЪМУНАЛАРИ	17
3. Аннаев Жалолиддин Тухташевич МАРҒИЁНА БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА САНЪАТ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	30
4. Азизов Ильдар Рафаэлевич УЧАСТИЕ И КЛЮЧЕВЫЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕЕ СНГ	46
5. Балтабаева Манзура Мирзажановна ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА: ВОПРОСЫ ЧАСТИЯ ЖЕНЩИН В ГОСУДАРСТВЕННОМ И ОБЩЕСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ	53
6. Бахронов Шерзод Таштурсунович ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ С РОССИЕЙ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ	65
7. Ишанхуджаева Замира Раимовна ИЗУЧЕНИЕ И СОХРАНЕНИЕ ПАМЯТИ О ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ С ПОМОЩЬЮ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЕКТА И ЦИФРОВОЙ ИСТОРИИ	74
8. Kamolova Muhlisah Farhod qizi TURKISTON GENERAL-GUBERNATORI A.V. SAMSONOVNING O‘LKADAGI TA’LIM JARAYONI VA TARIXIY-MADANIY OBYEKTLAGA NISBATAN OLIV BORGAN SIYOSATI (1909-1914 YILLAR)	81
9. Махмудова Нигора Баротовна СОСТОЯНИЕ СЕЛЬСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА НАЧАЛО XX ВЕКА В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ СЕНАТОРА К.К.ПАЛЕНА)	91
10. Мусаев Нуриддин Умирзакович МИРЗАЧЎЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИДАН	103
11. Очилдиев Файзулла Бобокулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ	115
12. Raxmanova Mahbuba Shavkat qizi КАТТА О‘РТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОННИНГ ГЕОГРАФИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	124

Очилдиев Ф. Б.

т.ф.д., профессор

Ўзбекситон Миллий Университети,

fayzullaochildiev@gmail.com

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Бухоро амирлигида мавжуж бўлган таълим тизими ва унинг босқичлари, қуйи, бошланғич мактаблар, юқори босқич олий таълим каби, масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, амирликдаги бошланғич мактаблар, мадрасаларнинг турлари ҳамда уларда таҳсил олувчи ўқувчи ва талабаланинг сонига доир маълумотлар ўрганилган.

Калит сўзлар: Бухоро, амирлик, шаҳар, қишлоқ, таълим, бошланғич мактаб, мадрасалар, олий таълим, усул, ўқувчи, мударрис, хужра, моаш.

КИРИШ

Бухоро амирлиги маркази ҳисобланган Бухоро шаҳри ислом дини устуни, ислом паноҳгоҳи сифатида мусулмон оламининг ўчоғи саналган. Бу ерга нафақат Бухоро амирлигининг турли вилоятлари ва туманларидан, қолаверса, хорижий юртлардан, жумладан Уфа, Оренбург, Қозон, Троицк, Оқмачит, Қрим ва Кавказдан ҳам ислом илмини эгаллаш учун бошқирд, татар, доғистонлик талабалар, ўз илмини ошириш учун уламо аҳли вакиллари ҳам келишар эди. Уламо аҳли ва талабалар оқими ҳамда ислом дини ва маданияти маркази бўлганлиги сабабли амирлик пойтахти Бухоройи шариф номи билан довруғ қозонган. Бошқа жиҳатдан Бухоро тасаввуфнинг йирик тариқати – нақшбандийликнинг ҳам ўчоғи сифатида машҳур эди. Таълим тизимини тиклаш, ривожлантириш ҳамда ўқув юртларини қуриш ишлари амир Шоҳмурод даврида бошланган ҳамда унинг авлодлари даврида давом эттирилган. Амири Маъсум лақаби билан танилган мазкур амир мактаблар ва мадрасалар қуриш билан бир қаторда, бу ерда таҳсил оладиган толиби илмлар учун яхши, малакали ўқитувчи ва муаллимларни ҳам тайинлаган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Бухоро амирлигида таълим тизими икки босқичда олиб борилган. Биринчиси қуйи босқич, яъни

бошланғич мактаблар, иккинчиси юқори босқич – мадрасаларда давом эттирилган. Н. Ханьков XIX асрнинг ўрталарида бошланғич мактаб ёки мактабхоналар Бухоро ва амирликнинг бошқа шаҳарларда шунингдек, катта қишлоқларда ҳам кўп бўлганлигини таъкидлаб ўтган[1]. Архив маълумотларида ҳам Бухоро шаҳрининг ҳар бир кўчасида мактабхоналар бўлганлиги келтирилган[2].

Маълумотларга кўра, 1910 йилга келиб, Бухорода 350 га яқин бошланғич мактаблар фаолият юритган. Шаҳарлардаги бошланғич мактабларда 10 нафардан 50-60 нафаргача ўқувчилар таълим олган бўлса, қишлоқ мактабларида эса ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган[3]. Мактабларнинг бошқаруви ва унинг таъминоти жиҳатидан умумий ва хусусийга бўлинган. Хусусий мактаблар мансабдорлар, бадавлат кишилар ва тадбиркорлар томонидан қурилган бўлса, умумий мактаблар жамоатчилик томонидан бунёд этилган. Мактабларнинг таъминоти асосан бадавлат ва саховатли кишилар томонидан қилинган хайр-эҳсонлар, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳисобидан таъминланиб турган[4].

Мактабхоналарнинг кўпчилиги одатда масжидлар ёнида ёки унинг қошида, шунингдек, мадрасалар қошида ҳам мактабхона ташкил этилган. Шаҳар ва қишлоқларнинг деярли барчасида бундай мактаблар мавжуд бўлиб, мактабларда дарс ўғил ва қиз болалар учун алоҳида, ажратиб ўтилган. Ўғил болалар масжид, мадраса ва қорихоналарда, қиз болалар эса отин ойиларнинг уйида ёки ўз хонадонларида ўқитилган. Мактаблар асосан мусулмонларнинг хайр-эҳсонлари, ўзига тўқ ҳомийлар ёки маҳаллаларда яшовчи аҳолининг умумий маблағлари ҳисобидан қурилган. XX аср бошида Бухоро шаҳрида 218 та масжид бўлиб, ўртача бир масжид ҳузуридаги мактабда 40 нафаргача болалар ўқиши мумкин бўлган. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мактабларда қанча ўқувчи таҳсил олганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, баъзи далилларга таяниб бу ҳақида маълум бир тассавурга эга бўламиз. Масалан, Бухоро шаҳрида 20-25 минг нафар, бутун амирлик бўйича 50 минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олганлигини кўриш мумкин[5].

Бухоро амирлигида болаларни мактабга қабул қилиш ёши 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олган[6]. Анъанавий бошланғич мактабларда ўқувчилар беш йилдан кам ўқимаган. Мактабларда таҳсил оладиган ўқувчиларнинг ўқиш муддати бир қатор омилларга, яъни устознинг маҳорати, ўқувчининг зеҳни ва оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ бўлган. В. Наливкин Бухорода қиз болалар учун ўқиш 7 ёшдан бошланиб, 13 ёшгача, айрим ҳолларда 10-11 ёшгача давом этганини ёзади[7]. Амирликда қиз болаларга уйда таълим берилган, умуман олиб қараганда аёлларнинг мактабда ўқиши

анча қийин кечган. Асосан бой оилаларнинг қизлари ўқиб саводини чиқариш имкони бўлган. Қишлоқларда эса қизларнинг савод чиқариши анча мураккаб бўлиб уларнинг сони жуда кам бўлган.

Амирликдаги бошланғич мактабларда ўқиш муддати 4 йилдан 10 йилгача давом этган. Н.В. Ханыков XIX асрнинг ўрталарида Бухоро амирлигидаги мактабларда ўқиш муддати ўртача 7 йил бўлганлигини кўрсатиб ўтган[8]. Амирликдаги бошланғич мактабларда ўқиш муддати борасида Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг фикрларини баён қилиб, мактаблардаги ўқиш муддатини етти йилдан ўн йилгача бўлганлигини таъкидлаган[9].

Бухоро амирлигидаги бошланғич мактабларда таълим бериш ва ўқитиш услуги бир қанча камчиликлардан холи бўлмаган. Бошланғич мактабларда дарс ўтиш усуллари замон талабидан анча орқада қолиб, ўқитишнинг самараси паст бўлган. Шундай бўлишига қарамай ўқувчилар ўз даврида бундай мактабларда саводини чиқаришга ҳаракат қилишган. Амирликдаги мактабларда таълим бериш усули қониқарсиз самараси паст эканлигини Садриддин Айний қайд этиб, бу ҳақида шундай дейди: “Таълим усули жуда тартибсиз бўлиб, биз ҳаммамиз қоида ва усулни билмасдан қийналар эдик” [10]. Бухородаги бошланғич мактаблардаги ўқитиш усули анча қолоқ ва замон талабига жавоб бермаслигини Файзулла Хўжаев ҳам эътироф этиб, “амирликдаги анъанавий мактабларни ўрта асрдан қолган халқ таълим тизими” деб, қайд қилган[11].

XX асрнинг бошларида ҳам мактабларнинг ҳолати замон талабларига жавоб бермаган. Уларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги тўғрисида Туркистон ўлкасининг мактаб ва мадрасалар бўйича махсус инспектори В.П.Наливкин мактаблар тўғрисида маълумот берган: “анъанавий мактабларда мактаб учун қурилган махсус бино деярли йўқ. Аксарият мактабларда дарс машғулотлари масжидларда, масжидларнинг айвонида ёки масжид ҳузуридаги хужраларида ўтказилади, чунончи, текширилган 142 та мактабдан 109 таси масжидларда, 27 таси мактабдорлар уйида, 5 таси мазорлар ҳузурида ва қорихоналарда бўлиб, фақат битта мактабнинг махсус қурилган биноси бор” [12].

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистон, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим олишган. Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шахрид ҳамда Қарши, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шунингдек, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб

мадрасалар мавжуд бўлиб, мадрасалар кичик, ўрта ва йирик (олий) мадрасаларга бўлинган.

Л.Ремпель мазкур уч тоифадаги мадрасалар аъло, авсат, одина каби тоифаларга бўлинганлигини қайд этиб, уларда 10 минглаб талабалар, мударрислар ва имомлар хизмат қилганлигини ёзади[14]. Муҳаммад Али Балжувоний Бухородаги мадрасаларда дарс берувчи мударрисларнинг сони эса тахминан 800 нафар эканлигини қайд этиб ўтган[15]. Мадрасаларга, одатда, бошланғич мактабни тугатган саводли илм толиблари қабул қилинган. Мадрасага ўқиш учун келган талабаларнинг ўқиши, ёзиши ва саводхонлигини мадраса мударриси томонидан ўрганилиб, талабга жавоб берадиганлари қабул қилинган. Мадрасаларга талабалар 16-20 ёшидан қабул қилиниб улар бу ерда 36-40 ёшгача таълим олишган[16].

Мадраса талабалари асосан икки гуруҳга бўлинган: дарсга мунтазам қатнашадиган, мадраса хужрасида яшаб ўқийдиган талабалар ва дарсларга эркин қатнашадиган талабалар. Амирликдаги мадрасаларда таҳсил олувчи талабаларнинг сони борасида турли хил маълумотлар келтирилган. Масалан, манбалар ва илмий адабиётларда Бухоро мадрасаларида XIX асрнинг 40-йилларида 9-10 минг нафар, XIX асрнинг охирида 10 минг нафар XX асрнинг бошида эса 20 минг нафар талаба таҳсил олганлиги қайд этилаган.

Мадрасаларда дарс жараёнлари, одатда ҳар йили октябр ойида бошланиб, апрел ойигача давом этган[17]. Анъанавий қоидага кўра, мадрасада ҳафта кунлари 2 га бўлинган: таҳсил кунлари ва таътил кунлари. Таҳсил кунлари шанба, якшанба, душанба ва сешанба, таътил кунлари чоршанба, пайшанба ва жума кунлари бўлган. Масалан, Меҳтар Шофиъи ибн Хўжа Латиф ва Фатхулла қўшбеги ибн амир Насруллоҳ номидаги мадрасаларнинг вақф хужжатида ҳам талабалар ҳафтасига 4 кун дарсга қатнашиши кўрсатилган[18].

Д.Н. Логофетнинг маълумотига қараганда, ўрта тоифадаги мадрасаларда талабалар 3-10 йил давомида араб тили, мусулмон ҳуқуқи, форс тили, форс адабиёти, шунингдек, мушкулот (фалсафа)ни ўрганганлар. Бундан ташқари, риёзиёт (арифметика) бутун сонлар ва тўрт амал доирасида, илм-ул фароиз, хандаса (геометрия, мерос ҳуқуқи билан боғлиқ ерни ўлчаш, ҳисоблаш масалаларини ечишга қаратилган фан), ислом тарихи (турли китоблардан қисқартмалар тариқасида), жуғрофия, нужум фанлари ўқитилган. Олий даражадаги мадрасаларда илоҳиёт, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган тарзда ўрганилган. Бу ўқув юртида ўқиш камида 3-4 йил давом этган ва уни битирганлар олий даражадаги мутахассис ҳисобланган[19]

Бухоро амирлигида мадрасалар қуриш иши ўзига хос тарзда амалга оширилган. Бухорода ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан ҳам кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Масалан, Амир Ҳайдар Бухоро аркида мактаб, масжид, хонақоҳ, мадраса қурилишини қўллаб-қувватлаган. XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган[20] бўлиб, уларнинг орасида амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), амир Олимхон мадрасаси ҳукмдорлар томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса тўғрисида амир Олимхон шундай деб ёзган. “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номидан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим” [20].

Бухоро шаҳридаги кўп мадрасалар ёнида масжидлар бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 360 та беш вақт намоз ўқиладиган ва 18 та жомеъ масжиди бўлган[22]. XIX асрнинг охирида Бухоро амирлиги ягона рус божхона тизимида киритилганидан сўнг Россия империяси ҳукумати амирлик чегараларини “қўриқлаш” баҳонасида Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Қашқар)дан, Россия ҳудудидан (хусусан, Қрим, Татаристон, Шимолий Кавказдан) келадиган мусулмон талабаларининг ўқишига турли йўллар билан тўсқинлик қила бошлаган. Шунингдек, бу даврда Бухородаги сиёсий агентликка Россия ҳукумати томонидан Бухоро мадрасаларига ўқишга келадиган ёшларнинг сонини чеклаш тўғрисида махсус кўрсатма ҳам берилганди. Натижада мадраса талабаларининг сони йилдан-йилга камайиб борган. Агар Шохмурод амирлиги (1785-1800 й.) даврида мадрасаларда 30 мингга яқин талаба таҳсил олган бўлса, XX аср бошига келиб, уларнинг умумий сони 10 минг тага қисқариб кетган[23].

Бухоро амирлиги тарихига доир илмий адабиёт ва манбаларда ҳам амирликда мавжуд бўлган мадрасаларнинг сони тўғрисида маълумот келтирилган. Н.В Ханьков XIX асрнинг 50 йилларида Бухоро амирлигида тахминан 180-200 атрофида мадрасалар борлигини ва уларда таҳсил олувчи талабалар сонини 15-16 минг нафар бўлганлигини ёзиб, шундан Бухоро шаҳрида амирнинг рўйхатида турувчи 103 та мадраса фаолият олиб борилишини таъкидлаган. Шунингдек, мадрасалардаги хужралар сони, мударрис ва талабалар учун тўланадиган йиллик маошлар, мадрасада ўқувчи талабалар уч гуруҳга: Сарфо-Тягзиба бу гуруҳидаги талабалар йилига 3 тилладан, Тягузиба-Мулла Жалол гуруҳидагилар бир йилда 3,5 тилладан,

Пешқадам гуруҳидагилар ўқишни тугатгунча ҳар бир талаба 5 тилладан маош олганлиги тўғрисида маълумот берган.

Булардан ташқари, шаҳардаги 103 та мадрасадан 60 та мадрасанинг номларини ҳам келтирган. 1. Кўкалдош мадрасаси 150 та хужрадан иборат бўлиб, мударрис йилига 360 тилладан иш ҳаққи олган. 2. Мир араб мадрасаси унда 110 та хужра бўлиб, талабалар 5 тилладан маош (стипендия) олишган. 3. Мирзо Улуғбек мадрасасида 80 та хужра, талабалар эса 3,5 тилладан. 4.Зарияран мадрасасида 93 та хужра бўлган. 5.Загарон мадрасасида 93 та хужра, талабалар 5,5 тилладан. 6. Турсунжон мадрасаси 94 хужрадан иборат бўлиб талабалар 5 тилладан баъзан 8 тилладан. 7. Муҳаммад Шариф Савдогар мадрасасида 92 та хужра, талабалар 3,5 тилладан, мударриси эса йилига 199 тилла маош олган. 8. Қўш мадрасанинг хужралари сони номалум талабалари эса 3,5 тилладан. 9. Ҳиёбон мадрасасида 93 та хужра, талабалар 4,5 тилладан, мударрис йилига 180 тилла. 10. Гусфянд мадрасасида хужралар сони номаълум. 11. Хонақои Мир Акон мадрасаси талабалари 3,5 тилладан. 12.Ирназар мадрасасида 60 та хужрадан иборат бўлиб, талабалар 2,5 тилладан. 13.Дорулшифо мадрасасида 40 хужра, 2 та мударрис бўлган ҳар бири 700 тилладан. 14. Хўжа Жўйбари Калон мадрасаси мударрис 500 тилла, талабалар 20 тилла. 15. Жўйбари Хурд мадрасаси мударрис йилига 100 тилладан хизмат ҳаққини олишган[24]. 16. Гав-Кушан мадрасаси мударрис 700 тилла, талабалар эса 8-9 тилладан. 17. Гали мадрасасида 30 та хужра бўлиб талабалари 12 тилладан. 18. Хўжа Давлат мадрасаси мударрис 700 танга, талабалар эса 16 тилладан. 19. Жафар Хўжа мадрасаси талабалар 8 тилла. 20. Амири Жаннати Макони мадрасаси талабалар 5 тилладан. 21.Халимжон мадрасасида 70 та хужра бўлиб мудариси 80 тилла, талабалари 8 тилладан маош (стипендия) олишган.

Қуйида келтирилган мадрасалардаги хужралари сони ва унда хизмат қиладиган ёки ўқийдиган талабалари борасида маълумотлар келтирмаган. 22. Шердор мадрасаси. 23. Фатхулла Қушбеги мадрасаси. 24. Мискин мадрасаси. 25. Калобод мадрасаси. 26. Хўжа Ниҳол мадрасаси. 27.Ноқиб мадрасаси. 28. Хонақои Ишон Худойдод мадрасаси. 28. Хонақои Халифа Ниёзқули мадрасаси. 30. Хонақои Халифа Хусайн мадрасаси. 31. Хонақои Боло Ховуз мадрасаси. 32. Ғариб мадрасаси. 33. Рохмон Қули мадрасаси. 34. Қуш Беги мадрасаси. 35.Номи номалум мадраса. 36 Сучукой мадрасаси. 37. Тўпчибоши мадрасаси. 38. Ёш узак Беги мадрасаси. 39. Шайх Жалил мадрасаси. 40. Ғозиён мадрасаси. 41. Оғлам мадрасаси. 42. Бадал-Бек мадрасаси. 43. Биби-Халифа мадрасаси. 44. Дох Мулла Шер мадрасаси. 45. Хофиз Қўнғирот мадрасаси. 46. Суфиён мадрасаси. 47. Муҳаммад Порсо мадрасаси. 48. Қози Латиф мадрасаси. 49. Хазрати Имом мадрасаси. 50. Ғозиони Хурд мадрасаси,

51.Хонақои Турсинжион мадрасаси. 52. Исмоил дунё мадрасаси. 53. Сайройтом мадрасаси. 54.Хўжа Жўшак мадрасаси. 55.Грибониак мадрасаси. 56. Сугу Койхуруз мадрасаси. 57. Қоплон мадрасаси. 58. Гиёбанд мадрасаси. 59. Мавлоно Шариф мадрасаси. 60. Чуқур мадрасаси[25].

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган мадрасалар сонини борасида Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд қилинган[26]. О.А.Сухарева Бухоро шахрининг ўзида 133 мадраса бўлганини[27], Л.И.Ремпель эса XX аср бошларида Бухорода олий даражадаги мадрасалар 34 та, ўрталари 35 та, қуйилари эса 100 тадан ортиқ бўлганлигини таъкидлаган[28].

ХУЛОСА

XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро амирлигида таълим тизими ўтган асрлар анъанасига асосланган эди. Мактаблардаги ўқитиш усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқиш муддатлари, санитария-гигиенаси талабга жавоб бермасди. Бошланғич мактаб ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, аксарият ўқувчиларнинг билим даражасининг пастлиги уларнинг замон талабларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлган.

Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланган. Бу мадрасалар илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатлари учун маърифат маркази бўлган. Амирликда мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар ҳам эътибор қаратгани, йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоядор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасалар қурилиши ва уларнинг таъмирланиши ижобий ҳолат эди. Кўпчилик мадрасаларда талабаларни жой билан таъминлаш муаммоли ҳолат ҳисобланган. Мадрасаларда ўқувчиларга дарсхона ва дарсликларнинг етишмаслиги, қулай шарт-шароитларга эга бўлмаганлиги, таълим тизимининг тараққиётига таъсир қилган. Қурилиш ишлари пухта лойиҳалар асосида барпо этилмаганлиги, хоналарга ёруғлик етарли даражада тушмаслиги талабаларга қатор муаммо ва ноқулайликлар туғдирган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

- 1.Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб. 1843. – С.210.
2. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варақ.

- 3.Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири–XX асрнинг бошларида): Тарих фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Тошкент, 2011. – Б. 27.
4. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333 а -иш, 12-варақ.
- 5.Очилдиев, Ф. (2022). XIX асрнинг иккинчи ярми–xx аср бошларида бухоро амирлигидаги таълим тизими. Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 344-349.
- 6.Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 211.
- 7.Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.
- 8.Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.212.
- 9.Фитрат А. Мунозара // Шарқ юлдузи, – Тошкент, 1997. – №1. – Б.121.
- 10.Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва, 1926. – Б. 31.
- 11.Ходжаев Ф. Избранные труды. В. 3-х.томах.– Ташкент: Фан, 1970. Т.I. – С. 88.
12. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 601-иш, 153-варақ.
- 13.Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела – С. 49.
- 14.Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи ... – Б. 33.
- 15.Алихожиев М.О. Қўқон хонлигининг маданият ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни (1800–1876 йй): Тарих фан. номз. дис. – Тошкент, 2012. – Б.86.
- 16.Бобровников Н.А. Русско-Туземные училища, мектебы и медресе в Средней Азии. – СПб., 1913. – С. 85.
17. Ўз МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 5-варақ.
18. Ўз МА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/3 а -иш, 1-варақ.
- 19.Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – С.340.
- 20.Ремпел Л И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С. 4.
- 21.Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 8.
- 22.Муҳаммад Али Балжувоний. Кўрсатилган асар. – Б. 77-78.
- 23.Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С.4.
- 24.Хаников. Н. Описание Бухарского ханства. Санк-Петербург 1843. - С.86.
- 25.Хаников. Н. Описание Бухарского ханства. Санк-Петербург 1843. - С.87.

26. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 257-варақ.

27. Ўз МА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 76-варақ.

28. Ремпел Л И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С. 97.

Очилдиев Ф. Б.

д.и.н., профессор

Национальный университет Узбекистана

fayzullaochondiev@gmail.com

СИСТЕМА НАЧАЛЬНОГО И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются такие вопросы, как система образования и ее этапы, такие как низшая, начальная школа и высшее образование во второй половине XIX – начале XX века в Бухарском эмирате. Также была изучена информация о типах начальных школ, медресе и количестве обучающихся в них студентов.

Ключевые слова: Бухара, эмират, город, село, образование, начальная школа, медресе, высшее образование, метод, ученик, мударрис, худжра, зарплата.

Ochildiyev F. B.

DSc., professor

National University of Uzbekistan

fayzullaochondiev@gmail.com

SYSTEM OF PRIMARY AND HIGHER EDUCATION IN BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH - EARLY 20TH CENTURY

ABSTRACT

The article analyzes issues such as the education system and its stages, such as lower, primary school and higher education in the second half of the 19th - early 20th centuries in the Bukhara Emirate. Information was also studied on the types of primary schools, madrassas and the number of students studying in them.

Key words: Bukhara, emirate, city, village, education, elementary school, madrasah, higher education, method, student, mudarris, khudjra, salary.